Ўзбекистон Республикаси
Давлат статистика қўмитаси
2020 йил “ 1 ” майдаги 32 -сон буйруғига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тизимида идоравий Интернет ва электрон почта тизимларидан фойдаланиш тўғрисидаги НИЗОМ

I-боб. Умумий қоидалар

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси (кейинги ўринларда – Қўмита) томонидан идоравий Интернет ва электрон почта тизимларидан фойдаланиш тартибини белгилайди.

1-§ Атамалар ва таърифлар

1. Ушбу ҳужжатда қуйидаги тушунчалар қўлланилади:

фойдаланувчи – Қўмита тизимида идоравий Интернет ва электрон почта тизимларидан фойдаланиш ҳуқуқи берилган;

тизим маъмури (администратор) – тизим хавфсизлигини таъминлаш, ўрнатилган маъмурий муҳофаза чораларини амалга ошириш ва уларга риоя қилинишининг узлуксизлиги учун жавобгар, қўлланиладиган жисмоний ва техник муҳофаза воситалари ишлашини мунтазам ташкилий жиҳатдан қўллаб-қувватланишини амалга оширувчи ваколатли шахс (шахс ёки шахслар гуруҳи);

Интернет – ҳамма фойдаланиши мумкин бўлган ўзаро боғлиқ тармоқларнинг глобал тизими;

электрон почта – Интернет тармоғи орқали тезкор маълумотлар ва хабарлар алмашиш тизими;

спам – Нохуш почтани ажратмасдан оммавий тарқатиш билан ифодаланадиган хабарлар билан электрон алмашиниш тизимларини суистеъмол қилиш;

ахборот хавфсизлиги инциденти – ахборот хавфсизлигининг бир марталик юзага келадиган ҳодисаси ёки бир қатор нохуш, тасодифий ҳодисалари, улар туфайли бизнес-операцияларнинг обрўсизлантирилиши ёки ахборот хавфсизлиги таҳдидларининг эҳтимоли катта; (жумлалар ёпишмаган, маъносини тушунмадим)

идентификация – фойдаланувчини унинг идентификатори (номи) бўйича аниқлаш жараёни. Бу фойдаланувчи тармоқдан фойдаланишга уринганида биринчи галда бажариладиган функциядир. Фойдаланувчи тизимга унинг сўрови бўйича ўзининг идентификаторини билдиради, тизим эса ўзининг маълумотлар базасида унинг борлигини текширади;

аутентификация қилиш – Мантиқий объект томонидан тақдим этилган идентификатор ҳақиқийлигига ишонч ҳосил қилинишини таъминлаш;

IP манзил – Тармоқ администратори томонидан бириктириладиган ва ушбу компьютернинг тармоқ доирасидаги идентификациясини таъминлайдиган ноёб манзил;

MAC манзил – Тармоқ ускунасига ишлаб чиқарувчи томонидан бириктириладиган махсус ноёб рақам. Ушбу рақам ускунанинг тармоқ доирасидаги идентификатори ҳисобланади ва уни TCP/IP тармоқларида аниқлаш учун зарур бўлади.

II-боб. Интернет ва электрон почта тизимларидан фойдаланишни ташкил этиш

Қўмитага ишга қабул қилинган ходимлар Ахборот хавфсизлиги бошқармаси томонидан ушбу Низом билан шахсий имзоларини қўйиш орқали таништириладилар ва унинг бузилиши учун жавобгар эканликлари тўғрисида огоҳлантириладилар.

Интернет ва электрон почта тизимларига кириш параметрлари

2. Интернет ва электрон почта тизимларидан фойдаланишни ташкил этиш қуйидагича амалга оширилади:

а) Марказий аппаратда – Қўмита раисининг ахборот-коммуникация технологиялари ва ахборот хавфсизлиги масалалари бўйича ўринбосари номига бошқарма бошлиқлари томонидан киритилган билдирги асосида;

б) бунда статистика бошқармаларида – вилоят статистика бошқармаси бошлиғи номига Дастурий техник таъминот ва маълумотларни сақлаш маркази бошлиғи томонидан тайёрланган билдирги асосида;

в) Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти (кейинчалик Институт) – Институт директори буйруғига асосан;

г) Марказий аппарат бошқарма бошлиқларига Интернет ва электрон почта тизимлари лавозимга тайинланганларида улаб берилади;

3. Интернет ва электрон почта тизимларининг талаблари:

а) Интернет ва электрон почта тизимларидан фойдаланишда ахборотни ҳимоя қилиш воситаларидан (файрвол, антивирус воситалари, DLP, криптографик ахборотни ҳимоя қилиш воситалари ва бошқалардан) фойдаланилади;

б) ҳар бир фойдаланувчига Интернет тармоғига кириши учун унинг компьютер IP ва MAC манзили рўйхатга олинади ва прокси манзил созланади;

в) Интернет ва электрон почта тизимларидан фойдаланишда, кириш пароли фақат фойдаланувчига маълум бўлиши ва етарли даражада мураккаб бўлиши керак;

г) Интернет ва электрон почта тизимлари фойдаланувчиларга ўз хизмат вазифаларини бажариш учун тақдим этилади.

III-боб. Интернет ва электрон почта тизимларидан фойдаланишда ходимларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, таъқиқлари

1-§ Фойдаланувчиларнинг Интернет ва электрон почта тизимларидан фойдаланиш ҳуқуқлари

4. Фойдаланувчи ёки администраторнинг хоҳишига кўра кириш пароли исталган вақтда ва исталган тартибда ўзгартирилиши мумкин.

5. Тизим маъмури томонидан фойдаланувчиларга Интернет ва электрон почта тизимларида ўзгартиришлар киритиш ва кўчириб олиш хуқуқлари тақдим этилади.

6. Фойдаланувчиларнинг иш жойидаги компьютерларида Интернет ва электрон почта тизимларида носозликлар ёки аниқлиқ талаб қилинадиган ҳолатлар бўлса, Ахборот хафвсизлиги бошқармасига мурожаат қилишлари мумкин.

7. Агар почта қутисида номаълум бўлган манзиллардан доимий равишда такрор электрон хабарлар ("спам") пайдо бўлса, почта серверидаги спамга қарши филтр созламаларини ўзгартириш учун тизим маъмурига хабар берилади.

8. Тизим маъмури (администратор) томонидан ходимга электрон почтадан фойдаланиш учун логин парол тақдим этилади.

9. Корпоратив тармоқ маъмури Интернет тармоғига киришни назорат қилиш, созлаш, бошқариш ва маълумот узатиш ишларини амалга оширади.

10. Агар веб-сайтнинг ғайритабиий ёки шубҳали хатти-ҳаракати аниқланса компьютердаги ҳар қандай ҳаракат тўхтатилади ва дарҳол тизим маъмури чақирилади ва фойдаланувчи Интернет тармоғидан огоҳлантирилмасдан узиб қўйилиши мумкин.

11. Муайян фойдаланувчи ёки иш станциясига махсус кириш режимлари вақтинчалик тақдим этилиши мумкин. Ушбу масала тегишли Бошқарма (бўлим) бошлиғи ва АХБ бошлиғи ўртасидаги ёзма келишув асосида амалга оширилади.

2-§ Фойдаланувчиларнинг Интернет ва электрон почта тизимларидан фойдаланиш мажбуриятлари

12. Фойдаланувчилар, тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган талабларга мувофиқ, Интернет тармоқларига уланган компьютерларда "хизматда фойдаланиш учун" грифига эга бўлган ҳужжатларни, локал тармоққа уланган компьютерларда "махфий" ва "мутлақо махфий" грифли ҳужжатларни сақламасликлари шарт.

13. Веб-сайтлардаги турли хил анкеталарни тўлдиришда шахсий, иш жойига тегишли маълумотлардан фойдаланмасликлари зарур.

14. Интернетдан юклаб олинган барча файллар, серверда ва фойдаланувчи даражасида антивирус дастури текширувидан ўтказилиши шарт.

15. Электрон почта орқали олинган барча файллар антивирус дастури текширувидан ўтиши шарт.

16. Интернет ва электрон почта тизимига киришда фойдаланиладиган барча дастурлар (браузер ва электрон почта дастурлари) керакли хавфсизлик даражалари билан созланган бўлиши керак.

17. Интернет ва электрон почта тизимларидан шахсий манфатларда фойдаланмасликлари шарт.

18. Фойдаланувчи иш кунининг охирида ва ишдаги узоқ танаффуслар пайтида Интернет тармоғини ёпиши ёки компьютерини ўчириши шарт.

3-§ Фойдаланувчиларнинг Интернет ва электрон почта тизимларидан фойдаланишидаги таъқиқлар

19. “хизматда фойдаланиш учун”, “махфий” ва “мутлақо махфий” грифларига эга бўлган ҳужжатларни Интернетга чиқариш ёки электрон почтадан юбориш.

20. Интернет тармоғи созлаб берилган компьютер қурилмасидаги браузер дастурининг тармоқ созламасини рухсатсиз ўзгартириш.

21. Интернет созланган компьютер қурилмасини бошқа ходимга фойдаланишга бериш.

22. Расмий маълумот алмашиш учун ташқи электрон почта хизматлари, ижтимоий тармоқлар (mail.ru, gmail.com, rambler.ru, yandex.ru, odnoklassniki.ru, facebook.com ва бошқалар) ёки тезкор хабарлар (масалан, ICQ, Google Talk) хизмати ёрдамидан фойдаланиш.

23. Ахборот хавфсизлиги бошқармаси томонидан ишлаб чиқилган рўйхатга мувофиқ керак бўлмаган сайтларга кириш (1 – иловада тақдим этилади, ушбу илова ўзгартирилиши мумкин).

24. Интернет тармоғига кириш мақсадида компьютер қурилмаларига модемларни ва уяли телефонларни улаш.

25. Ташқи прокси-серверлардан фойдаланиш (анонимайзерлар).

26. Компьютер ва телекоммуникация ускуналарининг функционал имкониятларини чеклаш учун мўлжалланган файллар ёки дастурлар.

27. Компьютер тизимига ноқонуний (рухсатсиз) киришга мўлжалланган махсус дастурлар.

28. Компьютер тизимида сақланадиган ёки узатиладиган маълумотларни рухсатсиз йўқ қилиш, блокировка қилиш, ўзгартириш, нусха олиш ёки қўлга киритишга мўлжалланган компьютер дастурлари.

29. Пуллик дастурлар учун махсус серияли калитлар олиш ва уларни генерация қиладиган дастурлар.

30. Пуллик Интернет манбаларига ноқонуний киришни таъминловчи идентификаторлар, пароллар ва бошқа воситалар.

31. Миллий, ирқий, этник ёки диний адоватни, муросасизликни ёки нафратни тарғиб қилувчи материаллар.

32. Таҳдид қилувчи, обрўсизлантирувчи зўравонлик ва шафқатсизликни тарғиб қилувчи ёки порнографик материаллар.

33. Ноқонуний фаолиятни амалга оширишга чақирувчи материаллар.

34. Қимор ва бошқа хавфли ўйинларни ташкил қилиш ёки ўтказиш учун мўлжалланган дастурлар.

35. Таркиби ва йўналиши бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан тақиқланган маълумотлар.

36. Электрон почта манзилларига буюртма бериш, файлларни юклаб олиш, идентификация маълумотларини узатиш учун турли веб-сайтларга кириш ва бошқа шунга ўхшаш ҳолатларда, @stat.uz корпоратив электрон почта манзилларидан тизим маъмурининг розилигисиз фойдаланиш.

37. Корпоратив почта қутисини расмий ёзишмалардан ташқари бошқа мақсадларда қўллаш.

38. Тизим маъмури розилигисиз 15 МБ дан катта ҳажмдаги маълумотларни почта орқали жўнатиш.

39. Файл ва дастур кенгайтмаларига эга бўлган ҳар қандай қўшимчаларни юбориш ва қабул қилиш (архив ичида бўлса ҳам).

40. Шубхали ёки жуда узун исмларга эгали файлларни очиш ва хаволаларга боғланиш.

41. Кирувчи хабар файлларини антивирус воситалари ёрдамида олдиндан текширмасдан очиш ҳамда шахсий электрон почта қутисига кириш паролини тақдим этиш.

42. Давлат статистика органлари фаолияти ва ходимларига тегишли ҳамда кенг жамоатчиликка тақдим этилмайдиган маълумотларни тарқатиш.

43. Ходимларнинг почта қутисига шубҳали ва номаълум бўлган манзиллардан электрон хабарлар (“спам”) келса, уларни рухсатсиз очиш, юклаб олиш ва тарқатиш.

4-боб. Интернет ва электрон почта тизимларидан фойдаланишда ўрнатилган назорат ва жавобгарлик

1-§ Интернет ва электрон почта тизимлари назорати

44. Юқорида кўрсатилган тармоқлар назорати Қўмита раҳбарияти, Ахборот хавфсизлиги бошқармаси тизим маъмурлари ва тайинланган маъсул ходимлар томонидан амалга оширилади.

Назорат турлари:

а) Низомда қайд этилган умумий қоидаларнинг бажарилишини назорат қилиш мақсадида йил мобайнида тузилган график асосида ходимларнинг компьютерларида аудит ўтказилади;

б) Интернет ва электрон почта тизимларида фойдаланувчиларнинг барча ҳатти ҳаракатлари DLP тизими орқали назорат қилинади. Маълумотлар электрон кўринишда сақланади;

в) ходимларнинг ишга ўз вақтида келиб кетишлари турникет орқали назорат қилиб борилади. Маълумотлар электрон кўринишда сақланади;

г) кузатув камералари орқали ходимларнинг хавфсизлиги назорат қилинади. Камера ёзувлари сақланади (муддати ёзувлар ҳажмига қўра ўзгариши мумкин);

е) таркибий бўлинмалар раҳбарларига ижро интизомини таъминлаш жавобгарлиги юклатилади.

2-§ Фойдаланувчиларни Интернет ва электрон почта тизимлари талабларини бузганликлари учун жавобгарлик

45. Низом талабларини бузган ходимлар Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда жавобгарликга тортиладилар.

46. Низомда кўрсатилган 12 – 43 оралиғидаги бандлар талабларига риоя қилмаслик ички тартибни бузиш деб қаралади.

47. Ушбу талабларнинг бузилишининг барча ҳолатлари бўйича комиссия томонидан текширув ўтказилади. Комиссия таркиби Марказий аппарат, ҳудудий статистика бошқармалари ва Институт директори таклифларига биноан тайинланади.

48. Текширув натижаларига кўра далолатнома тузилади.

5-боб. Якуний қисм

49. Қўмита ва ҳудудий идоралар ходимларига ўз хизмат вазифаларини бажаришда ушбу Низомдан фойдаланишлари зарур.

50. Қўмита ва ҳудудий идоралар ходимлари Низомда ўрнатилган қоида ва талабларни таҳлил қилишлари, шунингдек унга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш бўйича таклифлар беришлари мумкин.

51. Мазкур Низомнинг амал қилиш муддати чекланмаган.